



Journal of Natural Sciences

№2
(2021)

<http://www.natsciences.jspi.uz>



<u>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Кодиров Т- к.ф.д, профессор3. Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор4. Султонов М-к.ф.д, доц5. Рахмонкулов У-б.ф.д., проф.6. Хакимов К –г.ф.н., доц.7. Азимова Д- б.ф.н.8. Мавлонов Х- б.ф.д., доц9. Юнусова Зебо – к.ф.н., доц.10. Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)11. Мухаммедов О- г.ф.н., доц12. Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)13. Рашидова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц14. Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчиб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Sciences-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

**КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДОШУВ АСОСИДА ГЕОГРАФИЯ
ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ**

Ҳайдарова Сурайё Абдусаломовна Жиззах Давлат педагогика институти
Табиий фанлар факультети География ва иқтисодий билим асослари
кафедраси ўқитувчиси,

Юсуфов Жонибек Ражаббой ўғли- Жиззах Давлат педагогика институти
Табиий фанлар факультети География ўқитиш методикаси йўналиши
талабаси

havdarova2019@gmail.com

Аннотация. Мақолада таълим жараёнида ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини инобатга олиш, фанга бўлган мотивини ошириш усуллари, илмий ҳамда инновацион ёндошувлар аҳамияти хусусида мулоҳаза юритилади.

Калит сўзлар: таълим жараёни, кўникма, компетенция, шахс психологияси, мантиқ, дерматоглифика, инновация.

Аннотация. В статье обсуждается важность учета психологических особенностей студентов в учебном процессе, способы повышения их мотивации к науке, научные и инновационные подходы.

Ключевые слова: учебный процесс, умение, компетентность, психология личности, логика, дерматоглифика, инновации.

Annotation. The article discusses the importance of taking into account the psychological characteristics of students in the educational process, ways to increase their motivation for science, scientific and innovative approaches.

Keywords: educational process, skill, competence, personality psychology, logic, dermatoglyphics, innovation.

Умтаълим мактаблари битирувчилари тегишли фанни аъло ўзлаштирган бўлсада, кўпинча ностандарт вазиятларда кутилган натижани кўрсата олмасликлари, бошқача айтганда фанни яхши ўзлаштирадиган кучли ўқувчилар ҳам дарс пайтида ҳамда хаётида учрайдиган ностандарт вазиятга тегишли масалаларни ечишда ўрганган билим ва кўникмаларини қўллай олмасликларига гувоҳ бўламиз. Бунинг боиси ўқувчиларда маълум компетенцияларнинг етарли даражада шаклланмаганлигидир. Ушбу масаланинг ечими сифатида умумтаълим фанлари бўйича компетентлик ёндашувга асосланган узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда фанлардан амалга ошириш белгиланган. Асосий мақсад ўқувчиларнинг билим савиясини бугунги кун

талабига мослаш, халқаро андозалар даражасига кўтариш яъни, уларнинг эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтиришдан иборат.

Республикаимиз таълим тизимидаги ва халқаро тажрибалар асосида география фанини ўқитишга янгича ёндошувлар: ўқитувчи ёрдамида тизимлашган илмий билимлар олиш асносида, билим ва кўникмаларини амалиётга жорий этиш, олган билимлардан кундалик турмуш ва техникада самарали фойдаланиш малакасини яъни, ўқувчиларда компетентликни шакллантириш усуллари тадбиқ этилмоқда.

Фаолиятли ёндашув - фан мазмунига максимал даражада амалий компоненталарни (лаборатория ишлари, намоёиш-тажрибалар, амалий ишлар, экскурсиялар) киритиш орқали таълим жараёнини ташкил этиш.

Шахсга йўналтирилган ёндашув - фан дастури мазмунини ҳар бир таълим олувчини кундалик ҳаётида муҳим ҳисобланган, адекват хулқли (онгли, аниқ мақсадли, умумқоидаларга бўйсунувчи, шароитга мослашувчан) инсон қилиб шакллантириш.

Компетенциявий ёндашув – эгаллаган билимларини кундалик ҳаётда амалга қўллай олиш, амалий фаолият асосида унверсал кўникмани шакллантириш каби тамойилларни географияни ўқитишга самарали тадбиқ этиш кўзда тутилган.

Ўқувчиларда мазкур кўникмаларни шакллантириш ўтилган ҳар бир мавзу мазмунини ёритишда уларнинг кундалик турмушда қўлланилиш доираси ва чегараларини, инсоният ва умумбашарият бугуни ва келажаги билан боғлиқ жиҳатларини ўқувчилар онгига сингдириб бориш орқали амалга оширилади[1]. Бунда ўқувчиларга мазкур фаннинг ҳаётий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий зарурат эканлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Ўқувчиларнинг таянч ҳамда фани ўзлаштиришдаги хусусий компетенцияларини биргаликда шакллантиришда ўқувчи шахсининг психологик хусусиятлари, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар мавжудки, таълим самарадорлигини оширишда ўқитувчилар бу жиҳатларни эътиборга олиши зарур бўлади. Яъни, таълим жараёнини ташкиллаштираётган ўқитувчи учун таълим олувчининг психологик ривожланиш концепциясини билиш муҳим ҳисобланади. Маълумки, инсон психологияси ташқи муҳит

¹ Васильева Ирина Васильевна. “Проектная и исследовательская деятельность учащихся как средство реализации компетентностного подхода при обучении физике в основной школе” Автореферат. к.п.н., Москва, 2008

хосиласи сифатида шаклланади ҳамда мавжуд ташқи шароит ва ташқи муҳит ўқувчилар психологиясига билвосита, шу муҳитдаги фаолияти орқали таъсир қилади. Шу сабабдан, таълимда, хусусан, ўрта умумтаълим мактаблар ида фанни ўқитиш жараёнида ўқувчи шахсига ҳам янги, муҳим тадқиқот объекти сифатида қараш зарурати тугилади.

Ўқувчиларнинг тажриба ўтказиш, табиатни кузатиш жараёнида ҳамда амалий ишларни мустақил бажаришдаги юқори эмоционал психологик ҳолатларининг инобатга олиниш зарурати эса, география ўқитишнинг яна бир ўзига хос хусусиятини ташкил этади.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг психологик ҳолати, хусусиятлари муҳим ўрин тутди. Америкалик Ж.Брунер фикрича, ҳар бир ўқувчи ихтиёрий фанни тўлақонли ўзлаштириши мумкин. Фақатгина унинг ёшига мос ўқитиш методикасини тўғри танлаш лозим. Бу назарий ва педагогик жиҳатдан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳолат ҳисобланиб, шу ўринда бу фикрнинг давоми сифатида баъзи мулоҳазалар билдириш мумкин. Табиат қонунлари, юз бераётган жараёнлар ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашда ўқувчиларнинг фикрлашлари талаб этилади. Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ўстириш, мантиқий фикрлашини ривожлантириш, абстракт тафаккурини шакллантириш педагогиканинг, ўқитиш методикасининг муҳим масаласи ҳисоблангани ҳолда, инсоннинг генетик муҳри (ирсияти)га ҳам боғлиқ бўлади.

Ҳозирги даврда психология фанида ҳодисаларни психологик жараёнларга, ҳолатларга, шахснинг хусусиятларига ажратиш қабул қилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бундай ёндошувлар психолог Б.Г.Ананьевнинг фикрича, дастлабки материаллар, бир томондан, психик функциялар, ҳулқнинг, иккинчи томондан, элементар мотивлар ҳисобланади. Олимнинг мулоҳазасича, бу қўшимчалар “генетик маъно касб этиб, физиологиясидан мия механизмларини умумпсихологик ва нейрогуморал регуляторларини қамраб олиш психологияга ўтишга имкон беради”².

Ўсмирлик даври онтогенезига оид ўтказилган тадқиқотлар³ ва замонавий кўп ўлчовли статистик таҳлиллар асосида, инсондаги ўзгарувчанлик аломатлари: тана ўлчамлари, бош ва юз қисми, дермотоглифик белгилари, шахснинг психологик хусусиятлари комплекс ҳолда ўрганилганда, инсоннинг характери, дермотоглифик ва психологик белгилари уларнинг умумий

² Умумий психология. Э.Ғозиев. Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти. Тошкент-2010. 151-бет.

³ Негашева Марина Анатольевна. Морфологическая конституция человека в юношеском периоде онтогенеза (интегральные аспекты) : диссертация ... доктора биологических наук : 03.00.14. Москва, 2008. - 408 с.

конституционал структурасига боғлиқ бўлар экан. Эътиборли томони, бармоқлардаги чизиклари комбинацияларидан организмнинг барча тизимлари фаолиятининг ўзига хослиги ҳақида хулоса қилса бўлади. Бу ўз навбатида инсон характерининг асосий хусусиятлари, маълум бир жисмоний юкламаларга мойиллиги, ўзини қайси соҳаларда самарали (истикболли) намоён қила олишлигини ҳам кўрсатади.

Дерматоглификанинг илмий асосларига кўра, инсоннинг ички яширин қобилятлари унинг генида муҳрланган бўлади ва маълум маънода келажак фаолиятини башорат қилиш имконини беради. Яъни, инсоннинг генетик ҳолатига қараб унинг психологик хусусиятларини уйғунлаштириш мумкин. Ўқувчиларнинг психологик концепциясини белгилаш орқали эса, уларнинг ўқиш мотивини ошириш, фанни ўқитиш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Психологик ва дидактик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, таълим жараёни ўқувчиларга нафақат тизимли билим бериш балки, ўзликни англаш кўникмаларини ҳам шакллантиришни тақозо этади⁴. Бугунги кунда ўқувчиларга “билимни қай тарзда бериш керак?”, уларга “берилаётган материалларни ўзлаштириши учун қандай ёндошувлар талаб қилинмоқда?”. Бу масалага географияни ўқитиш мисолида, қарайдиган бўлсак ўқувчиларнинг ёш психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда биринчи навбатда ўқув фаннинг мақсади, таълим мазмуни, қўлланилиш имкониятларини уларга тушунарли ва қизиқарли қилиб етказиб бериш талаб қилинади.

Хусусан, географиянинг геоморфология бўлимида олам сирларини намоён этаётган табиат ер юзасининг кўринарли қисми ўрганилади. Инсон кўли билан яратилган қурилмалар, масалан Миср пирамидалари, осмонўпар бинолар ва бошқа иншоотлар билан уларнинг муштараклиги табиат ва инсон яратувчилигидаги муштараклик хусусиятлари ҳақида фикр юритишга ундайди. Табиий рельеф шакллари ва инсон яратган иншоотларнинг функционал ва геометрик ўхшашликлари ва тафовутлари, уларнинг вазифалари ҳақида саволлар тузиб ўқувчилар билан фикр алмашиш тавсия қилинади.

Юқоридаги саволларга талабалар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришади, бу эса табиийки ўқувчиларда табиат ҳодисалари ва уларнинг хосилалари, табиий шаклларнинг моҳияти билан инсон яратган иншоотларнинг хусусиятлари бўйича қиёсий тасаввурлар шаклланишига ва

⁴Основной методики преподавания физики. А.В.Перышкин, В.А.Разумовский, В.А.Фабрикант. Москва.1984, 187-190 бетлар

шу билан табиатдаги барча шакл ва ходисаларнинг моҳият ва мазмуни бўйича компетенциявий ёндошув кўникмасини пайдо қилишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Географиянинг “Ер юзасининг рельеф шакллари” мавзусини назарий жиҳатдан батафсил ёритиш ва амалий кўникмалар ҳосил қилишда мавжуд адабиётлардан, интернет маълумотларидан самарали фойдаланиш билан бир каторда кундалик реал ҳаётимиздаги ходисалар, ҳаракатлар ва жараёнлардан дарс мобайнида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

“Ер юзасининг рельеф шакллари” мавзусида тоғ, тепалик, баландлик, чўкки, чўкма ва бошқа рельеф шакллари каби географик тушунчалар ёритилади, бу ўқувчилар онгида табиатнинг нақадар мўжизавий, ақл бовар қилмас яратувчи эканлигини инсон кўли билан яратилган қурилмаларга таққослаш имкониятини беради ва айна пайтда илмнинг эгалланмаган чексизликларини англайди.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати сифатида, бугунги кун ўқувчи ёшларнинг аксариятида ўқишга бўлган қизиқишга нисбатан, турли ўйинларга бўлган мойиллик юқори эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Хусусан, мавзуга оид қисқа эссе ва ҳикоялар асосида мавзуда ёритиладиган тушунчаларнинг кундалик ва умумжамиyat ҳаётидаги ўрнини ёритиш, кроссворд, викторина, ребус каби бошқотирма ўйинларини ташкил қилиш орқали болаларда интеллектуал кўникмаларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Картадаги формула, чизмалар, расмларнинг ўзаро мантикий алоқадорлиги, масала моҳияти ва таърифлари, ҳаётдаги қўлланилиш аҳамияти ҳақидаги фикрларни ривожлантириш, мустаҳкамлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Дарсини бу тарзда ташкил этиш, педагоглардан бирмунча вақт ва изланишларни талаб қилсада, дарс пайтидаги асабийлашиш ва келишмовчиликларнинг олдини олиш билан бирга ўқувчиларнинг дарсга, фанга ва ўқитувчисига бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартиради яъни, монотон дарс ўтиш услубидан воз кечишга олиб келади.

Демак, педагог таълим жараёнини тўғри ташкиллаштириш учун нафақат фанни назарий ва методик жиҳатдан мукамал билимга эга бўлиши балки, ўқувчилар билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг умумий психологик қонуниятларни ҳам яхши билиши талаб этилади. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ва шахсий психологик жиҳатлари: қизиқиш ва мойилликлари, ўқишга, меҳнатга, жамоага ҳамда ўзига бўлган муносабатини, ирода ва эмоционал сифатлари: мустақил фикр ва ҳаракатлари, ташаббуси, ўз мақсадига қатъиятлилик, руҳий кечинмалари, тургун сезгилари, ўзига хос

билиш фаолияти, ҳаракати ва ақлий ривожланиши: диққати, хотираси, мантиқий фикрлаши ва тафаккури, қобилияти назарда тутилади.

Ўқувчиларнинг психологик ривожланишини ҳаракатлантирувчи куч, бу эски ва олинаётган янги маълумотларнинг қарама-қаршилигидир. Таълимсиз тўлақонли ривожланиш бўлиши мумкин эмас. Айни пайтда, ўқиш ўқувчининг ички ривожланиш қонунларига ҳам салбий таъсир ўтказмаслиги лозим. Яъни, таълим олиш имкониятлари кенг, лекин чегарасиз эмаслиги ҳам ёддан чиқмаслиги керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўрганувчиларни ўрганмасдан, улар онгига табиат қонунларини сингдириб бўлмайди яъни, ўқувчининг таълим олишга қай даражада тайёргарлиги, унинг психологик омиллари ҳам муҳим педагогик жиҳат ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳайдарова Сурайё Абдусаломовна. Географияни ўқитишда компетенциявий ёндошувни тадбиқ этишнинг ўқувчи психологияси билан боғлиқ жиҳатлари. ISSN 2010-5460 Maktab va hayot. Ilmiy metodik jurnal, 1 maxsus son, 2020.
2. Haydarova Surayyo Abdusalomovna. Defects in scientific research of the Problems of spiritual and moral crisis and its solution. International engineering journal for research and development (IEGRD) ISSN:2349-0721.WWW.IEJRD.COM, VOL.5, Issue 8. 2020.
3. Haydarova Surayyo Abdusalomovna. Geografiya darslarida electron taqdimotlardan foydalanish. O'zbekistonda geografiya fanining dolzarb masalalari. Respiublika ilmiy amaliy konferensiya materiallari, Termiz 2020.
4. Khaydarova Surayyo Abdusalomovna. Formation of practical competencies of school children in geography. International journal of discourse on innovation, integration and education Volume: 01 Issue: 05 | December 2020 ISSN: 2181-1067. 2020
5. Haydarova Surayyo Abdusalomovna. Geografiya fani o'qituvchisi kompetentligi va uning zamonaviy talablari. “bilig – ilmiy faoliyat” nashri <http://bilig.academiascience.or>. FTAI Jild: 02 | Nashr: 02 | Yanvar 2021.